

<http://dx.doi.org/10.26739/2091-5845-2019-4-14>

УДК:616.314.2-007-08

ЮҚОРИ ҚОЗИҚ ТИШЛАР РЕТЕНЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ



**Шомухамедова Ф.А., Нигматов Р.Н.,
Назарова С.Ж., Атажанова Х.М.**

Тошкент давлат стоматология институту

Қозиқ тишилар ретенцияси – тишиларнинг ривожланиши жараёнидаги энг кийин аномалиялардан бири ҳисобланади. Адабиётларга кўра қозиқ тишилар ретенцияси юқори жағда кўпроқ учрайди. Қозиқ тишиларнинг кулгу чизигида йўқлиги унинг эстетикаси ва сифати ва окклюзиянинг турғунлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хозирги кунда қозиқ тишилар ретенцияси билан мурожаат қиласидан беморларнинг сони ортиб бормоқда. Бу факт юқори жағ қозиқ тишиларининг алманиши вактининг ўзгарувчанлиги ва замонамиз ўсминаларида бу вақтнинг чўзилганлиги билан боғлашимиз мумкин. Хозирги вақтда қозиқ тишиларнинг чиқиш даврининг индивидуаллиги ҳақида маълумотлар тақдим этилмоқда. Ф.А. Шаамухамедова, Д.Т. Азимованинг маълумотларига кўра қозиқ тишиларнинг чиқиш даври ўртacha 12-13 ёшга тўғри келади, замонавий муаллифлар гурухининг (Фадеев Р.А., Маслак Е.Е., Бимбас Е.С.) маълумотларига кўра бу кўрсатгич 10-13 ёшни ташкил этади (2010 йил).

Қозиқ тишилар ретенциясини ортодонтик усул билан даволаш мураккаб ва ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Ретенциядаги қозиқ тишиларни даволаш



Расм 1. Бемор К.

жараёнида ҳосил бўладиган анкилоз улар ҳаракатланиши муваффақиятсизлигининг асосий сабабидир. Стандарт рентгенография натижалари билан анкилозни аниқ ташхис қилиш анча мушкул.

Мақсад

Болалар ва ўсминаларда юқори жағ қозиқ тишиларнинг ретенциясини ортодонтик усул билан даволашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Материал ва усуллар

Иш ТДСИ институти ортодонтия ва тишиларни протезлаш кафедрасида ўтказилди. Юқори жағ қозиқ тишилар ретенцияси билан 11 ёшдан 15 ёшгачча бўлган 18 (6 ўғил бола, 12 қиз бола) беморда кенг қамровли текшириш ва даволаш ишлари олиб борилди. Касаллик тарихига баҳо берилди: клиник текшириш, текширув моделларни анилизи, ортопантомограмма, 3D-рентгенограмма ҳамда антропометрик текширувлар (Понн, Линдер – Харт, Коркхауз ва Хаулей – Гербер – Герbst диаграмма усуллари ўтказилди. Ташхис кўйиш ва даволаш жараёнида ҳамма беморларни ретенциядаги тишиларнинг ҳолатини ва атрофидаги анатомик тузулмаларга нисбатан йўналишини аниқлаш мақсадида компьютер томографияси ўтказилди ва ҳаракатланиш динамикасини баҳолаш учун 1 дан Згача ортопантомограмма қилинди. Статистик маълумотларни қайта ишлаш учун Microsoft Excel 2010 программасидан фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Юқори жағ қозиқ тишилар ретенцияси билан врач-ортодонтга мурожаат қиласидан беморларнинг умумий сони – 18 бемор (6 ўғил бола, 12 қиз бола), барча беморларнинг (300 одам) 6% ни ташкил қилди. Қозиқ тишилар ретенцияси билан келган беморларнинг ўртacha ёши – 13,5 ёш.

300та беморнинг текширув натижаларига кўра 20% ҳолларда юқори жағнинг икки томонлама, 80%



Расм 2. Бемор К. компьютер ортопантомограммаси томографияси.



Расм 3. Бемор К. ретенцияга учраган қозық тишининг рентген тасвири ва текширув модели (расм 4.)



Расм 5. Бемор К. учун ясалған қитиқловчы механик таъсир құлувчы ечиладиган пластинка.



Расм 6. Бемор К. даволаш босқичлари



Расм 7. Бемор Ж.



Расм 8. Бемор Ж. цефалометрияси ортопантомограммаси.



Расм 9. Бемор Ж. Юкори жағ модели даволашдан олдин.



Расм 10. Бемор Ж. Жаррохлык йўли билан тож қисми очилди даволаш босқичида.

ҳолларда бир томонлама қозик тишлар ретенцияси кузатилди. Компьютер томографияси натижаларига кўра барча текширишдан ўтган bemorлар гурухларида: 50% ҳолларда юкори жағ қозик тишлар ретенцияси танглай, 39% ҳолларда вестибуляр, 11% ёнидаги марказий кесув тишлар илдизларининг учидаги ёки марказий ва латерал кесув тишлар илдизлари ўртасида жойлашган.

Текширув гурухидаги 12 одамда (30%) стоматологик статуси ёндош юз-жағ аномалиялари билан боғлик бўлмаганлиги аникланди. Уларнинг ортодонтик даволаш усулига мурожаат қылганларининг асосий сабаби қозик тиш ретенцияси бўлди.

Текширув моделларни Понн бўйича антропометрик усулда анализ қилинганда барча bemorларда ретенциядаги қозик тишларига жағда жой етишмовчилиги аникланди, Коркхауз бўйича тиш қаторининг олд қисмida ретрузия ҳолати учради, Хаулей – Гербер –

Гербст диаграммаси бўйича тиш қаторининг ретенцияяга учраган тиш соҳасида тиш ёйининг шакли бузилганлиги аникланди. Ретенциядаги қозик тишларни тиш қаторига силжитиши учун керакли жой очиш мақсадида барча bemorларга ечиладиган қитиқловчи ортодонтик аппаратлар ёрдамида даво олиб борилди. Тиш қаторида жой ажратилиши натижасида 7,4% ҳолларда қозик тишлар мустакил равишда чиқди. Ушбу bemorларга ретенциядаги тишларнинг тож қисмини очиш учун жаррохлик амалиёти бажарилмади.

92,6% ҳолларда bemorларга ретенциядаги тишларнинг тож қисмини очиш учун жаррохлик амалиёти олиб борилди ва бир вақтнинг ўзида у ечиладиган аппаратта маҳкамланди ва қозик тишни тиш қаторга киритиш амалга оширилди.

Қозик тишларнинг экструзия босқичи ўртача 6 ойни ташкил қилди (5,9 ой), бу эса ортодонтик давонинг уму-



Расм 11, 12. Бемор Ж. даволаш босқичидаги моделлари.



Расм 13. Бемор Ж. ретенцион каппаси.

мий вакти чўзилишига олиб келди. Ортодонтик давола-нишнинг ўртacha вакти 18-24 ой бўлиб, унинг вақти 25-30%га ортади.

15% ҳолларда ретенциядаги тишларнинг кўчиши экструзия босқичида анкилоз туфайли амалга ошмади, клиник жиҳатдан бу окклиюзин текисликнинг деформациясига ва устун тишларнинг кўзгалишига олиб келди. Бундай клиник ҳолларда даволаш режаси ўзгарилирди: ретенцияга учраган тишни олиш ва ўрнини тўлдириш.

Хулоса

Юқори жағ қозиқ тишлар ретенцияси юз-жағ аномалиялари билан келган bemorларининг умумий сонидан 6% ташкил қилди.

Ушбу гурӯх bemorларини ортодонтик даво муолажалари олиб борилиши учун қўшимча текширув тестлардан ўтириш лозим: компьютер томографияси, ортопантомография, ЗД рентгенография, дентал яқинфокусли тасвиirlар ва антропометрик текширув ва айrim вазиятларда жарроҳлик усули билан тож қисмини очиб тишиаторига ретенцияга учраган қозиқ тишни чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

- Хабилов Н.Л., Шомухамедова Ф.А., Арипова Г.Э. и др Ортодонтия с детским зубным протезированием. – Ташкент, 2012. – 234 с.
- Нигматов Р.Н., Рузметова И.Н., Шамухамедова Ф.А. Применение эластопозиционеров для профилактики вторичных деформаций зубной дуги у детей в период сменившегося прикуса // Stomatologiya. – 2013. – №3-4. – С. 90-94.
- Рузметова И.Н., Шамухамедова Ф.А., Нигматов Р.Н. Изучение частоты первичной адентии у детей со сменившимся прикусом и оказание им стоматологической помощи // Stomatologiya. – 2015. – №3. – С. 47-116.
- Шамухамедова Ф.А. Тиши нуқсонлари ва ортодонтия. Ташихис 2013 йил 17-23 сентябрь. – 22 б.
- Нигматова Н.Р., Муртазаев С.С., Арипова Г.Э. и др. Разработка тактики лечения при случаях редкой врожденной олигодентии //